




# TIL VA ADABIYOT TA'LIMI



Суратда Наманган вилояти  
Мингбулоқ туманидаги 43-мактабнинг  
она тили ва адабиёт ўқитувчиси,  
Халқ таълими аълочиси Омонбой  
МАҲКАМОВ

№ 9  
2010





**Шавкат Раҳмон**  
**таваллудининг 60 йиллигига**

*А*

Бош муҳаррир:  
**Раъно ТОЛИПОВА**

Масъул котиб:  
**Шаҳноза ЖЎРАЕВА**

Муҳаррирлар:  
**Ўғилой МАВЛОНОВА**  
**Доно ХЎЖАЕВА**  
**Қундузхон**  
**ЎСАНБОЕВА**

Саҳифаловчи:  
**Гулноза ВАЛИЕВА**

Матн терувчи:  
**Нодира**  
**МИРЗААҲМЕДОВА**

Таҳрир хайъати:  
**ЙЎЛДОШЕВ Қозоқбой**  
**МУСАЕВ Усмонали**  
**МАДАЕВ Омонилла**  
**МАҲМУДОВ Низомиддин**  
**МИРҲАБИБОВА Наргиза**  
**НОРМАТОВ Умарали**  
**НУРИДДИНОВА Дилдора**  
**ОДИЛОВА Саодат**  
**РАҲМОНОВ Ваҳоб**  
**ТОҶИБОЕВ Рустам**  
**ТОШМИРЗАЕВА Шарофат**

# **TIL VA ADABIYOT TA'LIMI**

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ИЛМИЙ-МЕТОДИК  
ЖУРНАЛИ**

**2010/9**

1991 йилдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2006 йил 22 декабрда  
0055-рақам билан рўйхатга  
олинган

ISSN 2010-5584

Таҳририят манзили:  
100027, Тошкент шаҳри,  
Фурқат кўчаси, 2-уй.

Тел.: 245-21-93  
245-68-40

E-mail: [til@sarkor.uz](mailto:til@sarkor.uz)  
Веб-сайт: [www.til.sk.uz](http://www.til.sk.uz)



**Barkamol avlod – mamlakat kelajagi**

|                                                                                              |   |
|----------------------------------------------------------------------------------------------|---|
| Oygul AHMEDOVA. Folklordagi diniy motivlarning ommaviy axborot vositalarida yoritilishi..... | 3 |
|----------------------------------------------------------------------------------------------|---|

**Metodika**

|                                                                                                           |    |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| G'ofir HAMROYEV. Ona tili darslarida fonetika ustida ishlash ..                                           | 10 |
| Qunduzxon HUSANBOYEVA. Hadislar ma'naviy komillik sari yetaklovchi omil sifatida .....                    | 14 |
| Omonboy MANKAMOV. 9-sinfda Furqatning «Sayding qo'ya ber, sayyod» musaddasini o'rganish tajribasidan..... | 25 |

**Adabiyotshunoslik**

|                                                                                   |    |
|-----------------------------------------------------------------------------------|----|
| Марзия ҚАЛАНДАРОВА. Данте ва Навоий ижодидаги муштараклик .....                   | 32 |
| Абдуваҳоб ЭШМУРАТОВ. «Холдорхон» достонига хос баъзи лексик хусусиятлар.....      | 36 |
| Чори БАДАЛОВ. Тоғай Муроднинг миллий қаҳрамонлар тимсолини яратишдаги усули ..... | 44 |
| Мавлон БОБОХОНОВ. Интерьер ва қаҳрамон руҳияти .....                              | 51 |

**Adabiy taqvim**

|                                               |    |
|-----------------------------------------------|----|
| Шоира НОРМАТОВА. Юрт ва озодлик куйчиси ..... | 59 |
|-----------------------------------------------|----|

**Matnshunoslik**

|                                                                                                    |    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Манзар АБДУЛХАЙРОВ. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари матнини тадқиқ этиш усуллари ..... | 70 |
| Зилола ШУКУРОВА. Рабғузийнинг «Қисасул анбиё» асари нусхалари ҳақида.....                          | 76 |

**Chet tilini o'qitish masalalari**

|                                                                                                                 |    |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Наргиза ТҲТАХҲЖАЕВА. Инглиз тилидаги <i>happiness</i> концептининг лексик-семантик хусусиятлари тўғрисида ..... | 81 |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|

**Lug'atshunoslik**

|                                                                                 |    |
|---------------------------------------------------------------------------------|----|
| Дилноза АБДУВАЛИЕВА. «Тарихи мулуки Ажам»даги полисемантик сўзлар хусусида..... | 87 |
|---------------------------------------------------------------------------------|----|

**So'ragan ekansiz**

|                                     |    |
|-------------------------------------|----|
| Ёрқиной СУЛТОНОВА. Маъдалихон ..... | 94 |
|-------------------------------------|----|



### Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари матнини тадқиқ этиш усуллари

Сўз мулкининг султони зуллисонайн шоир Мир Алишер Навойдан бизга жуда бой илмий-адабий мерос қолган. Айниқса Навоий яшаган давр адабий муҳити ва ундан олдинги «шоири даврон»ларнинг таржимаи ҳоли, ижоди ҳамда Султон соҳибқирон Хусайн Бойқаронинг шеър ёзиш салоҳиятига бағишланган «Мажолис ун-нафоис» асари ноёб манба ҳисобланади. Алишер Навоий ушбу асарини 1490–1491 йилда ёзган ва 1498 йили уни қайта тўлдириб, таҳрир қилган.<sup>1</sup>

Мазкур асар ҳақида етук матншунос ва адабиётшунос олимлар бир қатор тадқиқотлар олиб боришган. Порсо Шамсиев, Ойбек, А.К.Боровков, А.Н.Кононов, Ҳ.Сулаймонов, А.Ҳайитметов, А.Н.Болдирев, С.Ғаниева, Р.Воҳидовларнинг тадқиқот ва нашр ишлари шулар жумласидандир.<sup>2</sup> Аммо асар матнида яна бир қатор сўзлар мавжудки, улар матншунослик ёки тилшунослик нуқтаи назаридан алоҳида ўрганилмаган.

Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари матнини тадқиқ этиш усуллари ҳақида сўз юритамиз.

Шу пайтгача «Мажолис ун-нафоис» матнини тадқиқ этиш борасида бир умумийлик, яъни асар қўлғезмаларини тасниф ва тавсифлаш, улардаги мавжуд фарқларни аниқлаш, манбанинг илмий-танқидий матнини яратиш, нашрга тайёрлашдангина иборат бўлган. Бугунги кунда эса жаҳон матншунослигининг замонавий та-

мойил ва услубий мезонлари барча матний муаммолар тадқиқига жорий қилинмоқда. Шу жумладан, «Мажолис ун-нафоис» асари матнини ҳам матншуносликнинг назарий муаммоларидан бири бўлган **глосс** ва **конъектура** усуллари ёрдамида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Глосс усули матншуносликда жуда кенг тушунчаларни ифодалаб, кўпинча «интерполяция» истилоҳи билан альтернатив равишда қўлланилади. Уларни қуйидаги ҳолларда бир-биридан фарқлаш мумкин. Глосс – бу муайян қўлғезманинг ҳошиясидаги ёки матн ўртасидаги асосий матн билан қўшилиб кетмай, балки ундан фарқлантириб, котиб томонидан бирор ўринни шарҳлаш учун ёзилган алоҳида қайддир. Интерполяция эса муайян асар матнига киритилган бўлиб, матн билан қўшилиб кетган қўшимча ҳисобланади. Матнга интерполяцияни хаттотнинг ўзи ҳам бевосита кўчириш жараёнида киритиши мумкин, бироқ кўпинча интерполяция хаттот кўчириб олган глоссни ифодалайди.

Машҳур рус матншунос олими Д.С. Лихачев глосс ва интерполяцияларнинг қўлланилиши ҳақида қуйидагича фикр билдирган: «Глосс ва интерполяциялар турли сабабларга кўра киритилади: матнни мукамаллигини кучайтириш, (масалан, айниқса тарихий асарларда шу мавзу бўйича бошқа асарлардан интерполяциялар киритиш) ёки нусха кўчирувчига ҳаёлий ёки ҳақиқий тушиб қолган жойларни тўлдириш ва тушунарсиз бўлган матнни тушунтириб бериш учун (тушунилиши қийин сўзларни, матндаги нуқсонларни, яхши тушуниб бўлмайдиган мулоҳазани, ноаниқ фактларни тушунтириб берувчи глосс)».<sup>3</sup>

Юқорида қайд этилганидек, глосснинг асосий вазифаларидан бири матндаги тушунилиши қийин, аввал шарҳланмаган, шунингдек, ҳатто, асар нашри бўйича



тузилган кейинги луғатларда ҳам қайд этилмаган сўз ва ибораларнинг матндаги ўрнини аниқлаш ва шарҳлаш ҳамда уларни матнга илова қилишдан иборатдир.

Қуйида Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари матнидаги ана шундай тушунилиши қийин, изоҳли луғат ва асарнинг кейинги мукамал нашрига тўлиқ илова қилинмаган сўзлар таҳлилига қисқача тўхталиб ўтамиз. Масалан, **мунқавий** сўзи асарда бир ўринда қўлланиб, матний маъносига кўра, маҳкам, собит маъноларини ифодалаган: Улви ҳимматдин дунёу мофийҳога этак силкиб мақсуд каъбасида **мунқавий** бўлубдур ва ҳамул даражадин мохалақаллоҳ балки мосивалллоҳни мавҳуми маҳз, балки маъдуми мутлақ билиб вусул ҳаримида эътикоф қилибдур (158-б.).<sup>4</sup> **Мунқавий** сўзининг **қавий** шакли эса Навоий асарларида сермахсул қўлланган.

Асардаги бундай сўз шакллариининг айримлари бошқа туркий манбаларда учрамайди. Ана шундай қиёслаш имкони бўлмай қолган ҳолларда тушунилиши қийин сўзлар асосан, матний маъносига кўра, изоҳланади. Шунингдек, асарда араб тилига хос тўғри кўпликлар иштирокида янги сўзлар ҳосил қилинган: **мустағалот** — ғалла экиладиган ерлар: Фониваш ва бетакаллуф киши эрди, жузъий **мустағалоти** ҳосили била қаноат қилиб эрди (37-б.).

**Фирдавстайин** — жаннаторо; жаннат сифат боғ; зийнатланган боғ: Бу Султони Соҳибқироннинг эрамойин суҳбатларида ва **фирдавстайин** хилватларида ва навъ ғариб латойиф ва ажиб заройиф ҳар лаҳза мутаоқиб ва мутаботир ва лаҳза мутазоид ва мутақосир зоҳир бўлур (209-б.), **истиқрор** — сабот, матонат, чидам, ўз сўзи, аҳдида собит туриш; барқарорлик, ўз вазифасини матонат билан бажариш:

Ва бир қарн бўлар бордиким, истиқлол била аморат **истиқрор** била подшоҳга ноёбат қиладурким, ҳеч киши андин бир номулоим нимаким, мужиби эътироз бўла олғай, нақл қилмайдур (151-б.), **қаболжот** — ҳужжат, ижозатнома, никоҳ хати: Мавлоно Низомиддин қазо масжидида мутаммакин эрканда, маҳкамаси ва дор ул-қазосида сижиллот ва **қаболжот** ва шаръиёт анга эврилур эрди (123-б.), **ҳақир ул-жусса** — озғин, заиф жуссали, кичик жуссали: Бағоят маҳрум ва вожиб ул — риоя ва номурод кўрундиким, ҳам **ҳақир ул-жусса** эрди ва ҳам сағир ус-син (78-б.), **зулқофиятайн** — икки қофияли: **Зулқофиятайндур** ва қофияли тарди акским, жавоб айтмоқ бу фақир қошида маҳолатдиндур (68-б.).

Тазкирада бир қатор арабий сўзларга форсий ўзак ёки кўшимчалар қўшилиши натижасида янги сўзлар ҳосил қилинган: **муолажапазир** — доволовчи: Гаҳи савдоси андоқ ғолиб бўлурким, мизожи сиҳат қонунидин мунҳариф бўлур, яна кўп заҳмат билан **муолажапазир** бўлур (82-б.), **ғаробатжўй** — ажойиб, қизиқарли: Хили жунун зотида борким, салоҳият касбиға монеъдур, йўқ эрса, **ғаробатжўй** табъғинаси бор (87-б.).

Бундан ташқари, асарда яна бир қатор форсий қоришиқ сўзлар (44-б.) учрайди: **ширинашъор** (184-б.) **ширинадолик** (80-б.) ва бошқалар. Кўринадиким, тазкира матнидаги бундай тушунилиши қийин сўзлар каттагина қисмни ташкил этади.

Тажриба ва мантикий фикр асосида аслиятга қиёсламасдан туриб ҳам асар нашридаги хато ва нуқсонларни аниқлай олиш ва уни муаллиф яратган матнга яқинлаштира олиш **конъектура** усули дейилади. Тадқиқотчи томонидан муайян асар матни бўйича асосли фикр-мулоҳазалар асосида тақдим қилинаётган илмий тузатишлар ҳам **конъектура** усулига киради.



Матншунос олим Н.В.Перетц конъектуралар ҳақида қуйидагича ёзган: «Шундай ҳолатлар бўладики, мавжуд қўлёзмалардан битмаси ҳам аниқ, етарлича қаноатланарли ўқиш имконини бермайди ёки қандайдир ёдгорликнинг биттаю-битта бузилган, ноаниқ жойлари бор қўлёзмаси бўлади. Бундай ҳолатларда танқидчи муаллиф ўрнида бўлиб, конъектуралар, яъни турли мулоҳаза ва тахминлар ёрдамида бузилган матнни тиклашга уриниб кўришга мажбур бўлади. Конъектуралар учун умумий аниқ қонун ва қоидалар йўқ: кимки бошқалардан кўра кўпроқ ушбу асарнинг муаллифига яқин фикр юрита олса, унинг руҳини ва услубини чуқур ҳис қила олса, бошқалардан кўпроқ уни тушуна ололса – ўшагина уни муваффақиятлироқ тўғрилай олиши мумкин. Албатта, таклиф этилаётган конъектуралар, иложи борида, матнга энг соз маъно бериши керак ва бу асарнинг бошқа қисмларига, муаллифнинг одатларига зид бўлмаслиги керак».<sup>5</sup>

Ҳозирги пайтда конъектура асосан, матн нашридан кейин рўй беради. Матншунослар табдиллардаги хато ва камчиликларни матний маънодан келиб чиқиб аниқлашади. Демак, аслиятнинг хаттий ва маъновий хусусиятларини тўлиқ англаган, тасаввур қилган ҳолда мантиққа асосланиб, унинг нашрларидаги ноқисликларни тўғри тузата олиш конъектура усулига киради. Масалан, «Мажолис ун-нафоис» қўлёзмасидаги бир жумла нашрда...*мажлисда назм тарийқида ҳамроз эрдилар ва наср услубида пуктапардоз*(113-б.) тарзида нотўғри ифодаланган. Ушбу жумладаги *нуктапардоз* сўзининг ўрнида *пуктапардоз* бўлганлигини қўлёзмага қарамай туриб, конъектура усули билан яъни, мантиққа асосланиб ҳам аниқлаш мумкин. Зеро, **нуктапардоз** –

чуқур маъноли сўзлар айтувчи деган маънони билдиради. Бу шубҳасиз матний маънони англатади. Ёки *Ва масхлиқ ва мабхутлуқ оламин ҳам кўп таъриф қилурлар* (121-б.) мисолидаги *масхлиқ* сўзининг ўрнида *масхлиқ* ифодаланган. Буни тахминий ёки умумий фикрлар асосида фарқласа бўлади. *Масхлиқ* – ўзгаришлик, қабиҳ суратга айланишлик, бир шакл ёки кўринишдан бошқа бир ёмонроқ шакл ва кўринишга ўтишлик каби маъноларни англатади. *Масхлиқ* эса мумтоз матнларда қўл билан уқаламоқ, қашламоқ маъносини ифодалаб келади.<sup>6</sup> Бу маъно шубҳасиз матний маънога тўғри келмайди.

Бундан ташқари, асар нашрида *шуъур* – сезги, ҳис, ҳуш, фаҳм, идрок (156-б.) сўзининг ўрнида «*шуур*»; *аҳфод* – набиралар, авлод (172-б.) сўзининг ўрнида *аҳфод*; *хабт* – ақлдан озиш, девонасимонлик, ақлга футур етиш (36-б.) сўзининг ўрнида *хабт*; *иштиҳор* – машҳурлик, шуҳрат (140-б.) сўзининг ўрнида «*иштиҳор*»; *соҳибвужудлуқ* – соҳибкарамлик (44-б.) сўзининг ўрнида *соҳиб вужудлуқ*; *гулбонг* – баланд овоз билан нола тортиш, фарёд чекиш, хушовоз билан сайраш (8-б.) сўзининг ўрнида *гул бонг*; *сабукруҳ* – хушҳол, самимий, очиқ чеҳрали (45-б.) сўзининг ўрнида *сабук руҳ* (Изоҳ: бу сўзлар матнда ажратиб ёзилган).

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, «Мажолис ун-нафоис» матнини янгича усулларда, хусусан, замон талаблари даражасида матний тадқиқ этиш шоир тазкирасини мукамал ўрганиш ҳамда тўлиқ изоҳлар билан таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ,  
филология фанлари номзоди.

<sup>1</sup> С.Фаниева. «Мажолис ун-нафоис ва замима» тазкиралардан бири // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Т., 2003, 1-сон, 27-б.